СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА МАРКАЗДАН “КАДРЛАР ЖЎНАТИШ” СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

(XX асрнинг 40-90-йиллари мисолида)

Д.А.Ийманова

Мақола совет тузуми давридаги кадрлар сиёсати масаласига бағишланиб, унда марказдан кадрлар кўчириб келтириш амалиёти илмий манбалар ва журналлар асосида ўрганилади. Тадқиқот XX асрнинг 40-90-йилларини ўз ичига олади.

Калит сўзлар: *совет тузуми, социализм, коммунизм, кадрлар сиёсати, марказдан кадрлар жўнатиш, мутахассис, техника, партия, ташкилот, техникум,*

Настоящая статья посвящена вопросам кадровой политики в советский перид, в ней описана практика направления руководящих кадров из центра на основе научных источников и материалов СМИ. Исследование охватывает период с 40-х по 90-годы XX века.

Ключевые слова: *советский строй, социализм, коммунизм, кадровая политика, направление кадров из центра, специалист, техника, партия, организация, техникум,*

This article displays the problems of personnel policy of the Soviet regime in Uzbekistan. It is based on the archival documents and mass media in 40s-90s of the XX th century.

Key words: *soviet period, socialism, communism, policy of cadres, send cadre from the center, specialist, techniques, party, organization, technical college.*

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари совет ҳукуматининг доимо диққат марказида турган. Айниқса, Ўзбекистонда бу сиёсатнинг кўриниши, яъни кадрларни шакллантиришнинг асосий йўналишлари бошқа иттифоқдош мамлакатларга қараганда тубдан фарқ қилган. Ўзбекистонда саноат кадрларини шакллантириш жараёнлари буюк давлатчилик манфаатларини ҳисобга олган асосий йўлдан борди.

Совет тузумининг кадрлар сиёсати ва унинг миллий жиҳатлари марказнинг мустамлакачилик интилишларини яққол акс эттиради, яъни бу сиёсатнинг бир кўриниши миллий кадрларни кўплаб тайёрлашни кучайтириш ўрнига марказдан жўнатилган иш кучини тайёрлашга ва ишлатишга қаратилган эди. Ишчи кадрлар, асосан, марказий минтақалардан Ўзбекистонга келтириларди. Совет тузуми эса бу жараённи ўзбек халқига "байналмилал ёрдам кўрсатиш"нинг намоён бўлиши деб баҳолади. Лекин реал ҳаётда вазият бундай эмасди. Ўзбекистонда ишчи кадрларни шакллантириш даврида четдан ишчилар ва мутахассисларнинг келтирилиши мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига мос келарди, чунки дастлабки вақтларда саноат кадрларини вужудга келтиришнинг моддий негизи жуда заиф эди. Ўзбекистонга келган малакали мутахассислар саноатнинг янги тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантиришда, маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлашда иштирок этдилар. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонга келувчилар сони дастлаб унчалик кўп эмасди. Масалан, 1933-1935 йилларда республика корхоналари ва қурилишларига қарийиб 10 минг киши келган бўлиб, улар кадрлар танқислигига барҳам бериши лозим эди [1.79]. Бироқ кейинги йилларда кўчириб келтирилган мутахассис кадрлар сони йилдан-йилга ортиб борди. 1938 йилга келиб 650 минг ишчи ходимлар кўчирилиб келтирилганди [2.88]. Айни пайтда, марказдан Ўзбекистонда ишчи кучи танқислиги баҳонасида минг-минглаб ишчи кадрлар кўчириб келтирилди. Дастлабки пайтда марказнинг саноат корхоналари билан бирга бу ерга кўчиб келган кадрлар маълум даражада маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Лекин кейинги йилларда Марказдан кадрлар жўнатиш сиёсати кенг авж олиб кетди. 1959 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, республикада 33 та шаҳар ва шаҳар типидаги 68 посёлка мавжуд бўлса, 1963 йил январда жами шаҳарлар сони 36 та, посёлкалар сони эса 77 тани ташкил этди [3.17,19]. 1970-1985 йилгача Ўзбекистон харитасида яна 80 та янги шаҳарлар вужудга келди. Шаҳар аҳолиси, асосан, кўчириб келтирилган миллат вакиллари бўлган. Масалан, РСФСРдан 1961-1965 йилларда 115,3 минг ишчи кўчирилган бўлса, 1966-1970 йилларда 66,4 минг ишчи келтирилди [4.212]. Сабаби, янги саноат қуриш учун кўчириб келтирилганлар тегишли ташкилотлар томонидан доимий рағбатлантирилиб турилишидан бутунлай яшаш учун қолиб кетганлари катта миқдорни кўрсатган [5.155,157]. Кўчирилиб келтирилган минглаб кадрлар орасида тажрибали ходимлар билан бир қаторда малакасизлари тобора кўпайиб борди. Натижада миллий ишчилар синфини шакллантириш соҳасида қадамлар қўйилаётган, сони ортаётган бўлса ҳам, саноатда маҳаллий кадрларнинг фоиз ҳисобидаги салмоғи пасайиб борди. Аниқроқ таъкидлаганда, кўплаб кўчиб келувчилар таъсирида, бир тарафдан, Ўзбекистон ўқув юртларида етарли даражада миллий ишчи кадр тайёрланмаган, иккинчи тарафдан, ушбу йилларда мамлакатда бошқа миллат вакилларининг салмоғи юқорилаб кетишига сабаб бўлган. Совет тузумининг мақсади минтақада ишчилар синфининг кўп сонли интернационал кадрларини етиштиришни баҳона сифатида кўрсатиб, ўлканинг бой табиий ресурслари ўз эгаларининг қўлида эмас, балки ўзлари учун ишончли бўлган кадрлар қўлида бўлса, ўзлаштириш янада тезроқ амалга ошишини режалаштирди.

Фан-техника ривожланаётган бир шароитда давом этаётган саноатлаштириш ва интеграция жараёнлари, республикада аҳоли миграциясининг ўсиб бориши шунга олиб келдики, шаҳарлар, посёлкаларда меҳнат жамоалари тобора кўп миллатли бўлиб борди. Совет ҳокимияти йилларида бу ерда бунёд бўлган индустриал шаҳарлар – Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Навоий, Зарафшон, Муборак каби шаҳарларда, асосан, бошқа миллат вакиллари, яъни иттифоқнинг турли жойларидан кўчириб келтирилган ишчи кадрлар жойлашди. Натижада шаҳар аҳолиси марказдан жўнатилган кадрлар ҳисобига ортиб борди. Масалан, руслар шаҳар жойларда, кўпчилик қисми Тошкент ва Тошкент вилоятида яшаган. Бухоро, Самарқанд, ва Фарғона вилоятларида ҳам уларнинг сони сезиларли даражада юқори бўлган. Республикада яшовчи татарларнинг деярли ярмиси Тошкент шаҳри ва вилоятларига тўғри келган [6.14]. Кўчириб келинган кадрлар, асосан, шаҳарларда, аввало, оғир саноатнинг муҳим тармоқларида ва ақлий меҳнат соҳасида, яъни яхши маош тўланадиган иш жойларида меҳнат қилишарди. Ҳатто Иттифоқ миқёсидаги корхоналарга маҳаллий миллат вакилларини ишга қабул қилиш, улардан малакали ишчиларни тайёрлаш учун зарур бўлган ишчи кучини ҳам "марказ" белгилаб берарди. Марказий Осиё республикаларида ишчиларнинг иш ҳақида ҳам кескин тафовут бўлган. Маъмурият иттифоқ бўйича (давлат ва жамоа хўжаликлари) ҳар бир кишига бир кун

ишлаганига 9 сўм 30 тийиндан сарфлаган бўлса, бу республикалар учун 4 сўмга яқин маблағ ажратиларди [7.23.]. Чунончи Ўзбекистонда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик пул ҳолидаги иш ҳақи 1965 йилда 89,2 сўм бўлиб, 1973 йилгача 127,2 сўмгагина оширилган. Яъни ишланган бир кун ҳисобига 1965 йилда 3,29 сўм тўланган бўлса, 1973 йилда бу кўрсаткич атиги 4,38 сўмга кўпайган [8.92]. Туб ерли аҳолининг кўп болалилик шароитида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи уларга бирон-бир афзалликни бермасди. Бундан ташқари, иш ҳақини ошириш ходимнинг бир разряддан (даража) бошқа разрядга ўтиши билан боғлиқ бўлиб, бундай ўтиш бир неча йилга чўзилиб кетарди. Қўшимча ҳақ ҳам арзимас бўлгани учун ишчилар малакасини оширишга охирги йилларда унча рўйхушлик бермай қўйганди. Бу каби адолатсизликларни маҳаллий раҳбарият кўриб турган бўлса-да, бирор қаршилик қила олмасди. Аксинча, олимлар ҳам Марказий Осиё халқларидан ишчи кадрлар тайёрлаш учун узоқ муддат кераклигини исботлашга уринган. Бироқ ўша “узоқ муддат”ни тезлаштириш ишига узоқ йиллар эътибор берилмади. Бинобарин, ишчилар сафларини туб ерли миллат кишилари ҳисобига ўстириш республикамиз учун ижтимоий адолат нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга эди. Маҳаллий миллат вакиллари салмоғи йирик саноат корхоналарида ниҳоятда камайиб борди. Масалан, 1969 йилда республика саноатида ишлаб турганлар орасида ўзбеклар миқдори 36,7%ни ташкил этган [9.25]. Бундан кўринадики, мустамламакачилик ва совет шароитида рус халқининг манфаатлари билан боғлиқ масалалар биринчи ўринга қўйилганини инкор этиб бўлмайди ва буларнинг барчаси совет тузуми дастурларида режалаштирилган сиёсат эди. Маҳаллий кадрларга нисбатан ижтимоий манфаатларга асосий эътибор қаратиб, шахсий манфаатларни четга суриб ташлаш, унга нисбатан беписандлик қилиш - мамлакатни боқадиган, тараққиётини таъминлайдиган, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларга, кенг халқ оммасига маълум даражада ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишди. Барчани “тенглаштириш” сиёсати олиб борилиб, аҳолини мулкдорлик ҳиссидан мажбурий йироқлаштирди.

1966 йил 26 апрелда Ўзбекистон пойтахти Тошкентда табиий офат – зилзила натижасида вайрон бўлган уй-жой, саноат корхоналарини тиклаш учун Москва, Ленинград, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссиядан катта ишчи кучи Ўзбекистонга жўнатилди [10.13]. Маълум даражада уларнинг ёрдами билан вайрон бўлган жойлар қайта тикланди, янада кўркам янги Тошкент шаҳри барпо этилди. Бироқ ёрдамга келган ишчи кучларининг асосий қисми доимий яшаш учун Ўзбекистонда қолиб кетди. Ёзувчи Шукрулло таъбири билан айтганда “Тошкентликлар ким, ўзбеклар юз йиллардан бери ота-бобоси яшаб, руслар Тошкентга киргач “эски шаҳар” деб аталадиган қисмида қандай яшаган бўлса, шундай қолаверди. Тошкентнинг янги қурилган кўп қаватли иморатларига эса ҳашарга келганлар ва Тошкентнинг асосан руслар яшайдиган “янги шаҳар”! деб аталадиган қисмида турадиганлар кўчиб киришди. Шундай қилиб Тошкент қардошлик шаҳри, дўстлик шаҳри бўлди-қўйди” [11.44]. Мисол учун 1961-1975 йилларда 391,4 минг киши Иттифоқнинг турли минтақаларидан Ўзбекистонга кўчирилган бўлиб, 1971-1975 йилларда РСФСРдан ўрта ҳисобда 55,3 минг киши келган. Айнан 1975 йил РСФСРнинг иқтисодий районларидан кўчиб келган аҳоли ишлаб чиқариш кучларининг умумий миқдорида республика шаҳарлари бўйлаб қуйидаги кўрсаткичда: Нукус шаҳрида - 8,0%, Андижонда - 10,5%, Когонда - 21,5%, Жиззахда - 17,2%, Қаршида - 15,4%, Наманганда - 20,5%, Самарқандда - 25,6%, Гулистонда - 27,2%, Фарғонада -18,4%, Марғилонда - 18%, Урганчда - 12,4%да бўлган [12.212, 215]. 1970-йилларнинг охирига келганда шаҳарларда ҳаммаси бўлиб 400 дан ортиқ саноат корхоналари ва бирлашмалари мавжуд эди. Бу корхоналар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 3/1 қисмини етказиб берарди [13.310]. Саноат ишлаб чиқариш даражаси 160 баравар ошди. Республикадаги саноат корхоналарининг 50% и Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган бўлиб, бу корхона ишчиларининг атиги 3/1 қисми туб миллат вакиллари эди [14.20]. Ўзбекистоннинг индустриал давлатга айлантирилиши унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшса-да, лекин аввалгидек хом ашё етказиб берадиган республика бўлиб қолаверди, миллий иқтисодиётда қазиб чиқарувчи ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш ҳажмлари йилдан-йилга ўсиб бораверди. Қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари кенг ривожланишига тўсқинлик қилиниб, республика саноати бир томонлама ихтисослаштирилди [15.35]. Барча беш йилликлар даврида бу ерда ишчилар синфининг кўп миллатли кадрларини етиштириш, ўлкадаги бой табиий ресурсларнинг жадал ўзлаштирилиши жараёнлари билан интенсивлашиб борди. Республикамизда Иттифоқ марказининг манфаатларини кўзлаб кўп миллатли шаҳарларнинг, янги замонавий ишлаб чиқариш тармоқларининг барпо этилиши ва ривожланиши, марказдан кадрларнинг йилдан-йилга кўплаб жўнатилиши оқибатида бу ерда аҳоли ўртасида меҳнат тақсимоти жиддий равишда ўзгариб кетди. Туб ерли миллатга мансуб ишчилар сони рес-

публикадаги индустриал ишчилар умумий миқдорининг кўпайишидан анча орқада қолди. 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатларига кўра, Ўзбекистон халқ хўжалик тармоқларида ишловчиларнинг ўз миллати умумий сонига нисбатан тўғри келадиган салмоғи ўзбекларда 37,2%, қозоқларда 36,6%, қорақалпоқларда 51,1% да эди [16.45]. Ўзбекистон туб миллатларининг меҳнат билан шуғулланиш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан ҳам пастроқ бўлган.

1970-1980 йилларда халқ хўжалигининг барча тармоқларига кадрларни жалб қилишда сезиларли ютуқларга эришилди. Бу даврда ишчи хизматчилар сони 2641,5 мингдан 4833,5 мингга кўпайди [17.22]. Бироқ бу ўсиш сунъий равишда, яъни ташқаридан кўплаб кишиларни кўчириб келтириш ҳисобига рўй берди.

Ўзбекистон аҳолисининг жўғрофий жойлашишига назар ташланса, ўзбек миллати қишлоқларда кўпроқ, саноат марказларида камроқ миқдорда экани кўринади. Кўчириб келтирилганларнинг кўпчилик қисми ижтимоий аҳволи бўйича ишчилар бўлган. Республикада ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган шароитда уларнинг Ўзбекистон корхоналарига келиши соғлом фикрга тўғри келмасди, сабаби меҳнат ресурслари жадал ўсишининг кўпроқ қисми маҳаллий миллат аҳолиси ҳисобига тўғри келарди. Бироқ маъмурият томонидан бу каби йирик муаммолар эътиборга олинмай, четдан ишчи кучи олиб келтириш давом эттирилди.

Масалан, Тошкент вилоятида халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 1000 кишига 80 ишчи тўғри келгани ҳолда, Сурхондарёда бу кўрсаткич 20 тага тўғри келарди холос, унинг ҳам учдан икки қисмидан кўпроғини совхоз ишчилари бўлган. Аҳолиси туб ерли миллат вакилларидан бўлган баъзи туманларда ишчилар орасида улар кўп бўлса, бошқа туманларда, туб ерли аҳоли вакиллари бошқа миллат ва элатлар ўртасида текис тақсимланган жойларда уларнинг сони кам бўлган. Масалан, Фарғона водийсининг аксарият саноат корхоналарида ўзбек ишчилари салмоғининг миқдори 40-60% ўрталарида бўлса, Тошкент вилоятида 20-23%дан ошмаган [18.31]. Сабаби, оғир саноат тармоқлари юксак ривожланган шаҳарларда жойлашган бўлиб, у ерда ишловчиларнинг асосийлари бошқа миллат вакиллари эди.

Республика саноати ҳаддан ташқари марказлашган эди. 80-йилларда республиканинг 5% ҳудудида бутун саноат салоҳиятининг 65%дан кўпроғи тўпланган эди [19]. Саноат объектлари, одатда, йирик шаҳарларда қуриларди. Мисол учун, Тошкентда ва Тошкент вилоятида мустақиллик арафасида Ўзбекистон саноат базасининг деярли ярми тўпланган эди. Бундай сиёсатга марказнинг ўлкадаги ижтимоий демографик вазиятни эътиборга олмагани ҳам сабаб бўлган [20.205]. Ўрта Осиёдаги барча республикалар сингари, бу ерда қишлоқ аҳолисининг салмоғи юқори, табиийки, меҳнатга яроқли иш кучининг кўпчилиги, аниқроғи, учдан икки қисмидан зиёди қишлоқда жойлашган. Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Фарғона водийсида бу кўрсаткич 70-75% га, Ўзбекистон бўйича 58% да бўлган. Бундан кўриниб турибдики, қишлоқларда туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиш даражаси юқорилигича қолган. Масалан, 1985 йилда ҳар минг киши ҳисобига шу тартибда 36,2 ва 28,8 %ни ташкил қилдики, бу объектив равишда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқарувчи манба бўлган [21.29].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, корхоналарда малакали ишчи кучларининг ўрнини четдан келган кадрлар билан тўлдирилавермай маҳаллий кадрлар кўпроқ жалб этилганида, уларнинг маданий-техник савияси янада ўстирилганда ҳамда аҳолининг меҳнат шароитини такомиллаштириш, уй-жой шароитини яхшилаш, иш ҳақини ошириш каби муаммолар ўз вақтида ҳал қилинганида, маҳаллий кадрларнинг яшаш шароити ўз ўрнида меъёрлашган бўларди.

Адабиётлар:

1. Рабич Р.Г. Формирование и развитие социально-классовой структуры Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1972. – 158 с.

2. Ата-Мирзаев О., Гентшке В. Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002. - 125 с.

3. Ахмедов Э.А., Фаттохов Е.Н. Новые города Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1972. – 120 с.

4. Мулляджанов И.Р., Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983. - 278 с.

5. Мусаев О. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири. // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Халқаро конференция материаллари) II қисм. – Т.: Университет, 2005. - 157 б.

6. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Т.: Университет, 1992.- 336 б.

7. Ҳаёт ва иқтисод. – Т.,1989.- №4. - Б. 23.

8. Ўзбекистон ССР: Социализм ва халқлар дўстлигининг қудратли кучи. // Ўзбекистон коммунисти.– Т., 1974. - №10. – Б. 92.

9. Шистер Г. Ўзбекистон ишчилар синфини ўстириш ва структурасини такомиллаштиришнинг муҳим омили. // Ўзбекистон коммунисти. – Т., 1983, - №2. – Б 25.
10. Ташкент - город братства.- Т.: Узбекистан, 1969.- 78 с.
11. Шукрулло. Қасосли дунё. – Т.: Ўзбекистон, 1994. - 240 б.
12. Мулляджанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т: Узбекистан, 1983. - 278 с.
13. Совет Ўзбекистони ишчилар синфи тарихи.- Т.: Фан, 1974. - 377 б.
14. Ходжимирзаев М. Социальное развитие рабочего класса. – Т.: Узбекистан, 1990. – 144 б.
15. Бобожонова Д., Ўзбекистонда миллий ишчи кадрлар тайёрлаш тажрибасидан. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т., 1997. - №3-4.- Б.35.
16. Ўзбекистоннинг демографик ривожланиши ва иш билан таъминланиш проблемалари. // Ўзбекистон коммунисти. – Т.,1985. - №3. - Б. 45.
17. Народное хозяйство Узбекистана в 1985 г. Стат. ежегодник.- Т.: Узбекистан, 1986. – 373 с.
18. Таксанов А. Қишлоқда саноат ишчиларининг ривожланиши // Ўзбекистон коммунисти. – Т., 1987. -№7. - Б.31.
19. Ташкентская правда.- 1990.- 2 февраля.
20. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Д.А.Алимова ва б.; 1865-1990 йй). – Т.: Шарқ, 2000. – 432 б.
21.Таксанов А. Қишлоқда саноат ишчиларининг ривожланиши // Ўзбекистон коммунисти.- 1987. - №7. - Б.29.

Андижон машинасозлик институти,
2015 йил 15 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)